

УМУМИЙ ҚОНДАПАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида» 1996 йил 10 декабрдаги Фармонида мувофиқ 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар (бундан кейин нафақа деб аталади) тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор шаҳарча, қишлоқ, овул ёки маҳалла фуқаролар йиғини томонидан, ёхуд фуқаролар йиғинини ўз вақтида қақриши имконияти бўлмаган тақдирда кўчалар, турар жойлар, маҳаллалар, қишлоқлар, овуллар фуқаролари вакиллари томонидан қабул қилинади.

3. Нафақа ушбу нафақани олишга муҳтож бўлган, тутилган, болаликка ва ҳомийликка (васийликка) олинган 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга тайинланади ва тўланади. Нафақа ота-оналардан бирининг шахсий аризаси асосида 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади, ушбу муддат тугагач аризачи янги муддатга нафақа тўлашни давом эттириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Нафақа ҳар ойда тўланади.

4. Ойлага нафақа: бир болали оилалар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди; икки болали оилалар учун — 100 фоизи миқдориди; уч болали оилалар учун — 140 фоизи миқдориди; тўрт ва ундан кўп болали оилалар учун — 175 фоизи миқдориди белгиланади.

Агар белгиланган тартибда нафақа белгиланган давр мобайнида энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарса нафақа миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарган ойдан бошлаб тегишли равишда кўпайлади.

5. Куйидагилар нафақалар олишда имтиёзли ҳуқуққа эгадирлар:

ногирон чақалоқли (болали) оилалар; ота-онанинг иккаласи ҳам бўлмаган, болалар тарбияси билан эса қариндошлари шуғулланишадиган оилалар; болаларнинг ота-онасидан бири ёки иккаласи ҳам Ногирон бўлган оилалар; ота-онадан бири ёки иккаласи ҳам ишсиз бўлган, меҳнат биржасида иш қилирувчи сифатида ҳисобда турган оилалар.

6. Шаҳарча, қишлоқ, овул ёки маҳалланинг фуқаролар йиғинлари (бундан кейин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи деб аталади) нафақаларни тайинлашда ва тўлашда куйидаги асосий қондаларга амал қилишлари керак:

ижтимоий адолат қондаларига қатъий амал қилиш; ошкораликни таъминлаш; катта ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида боқимандаликка, ўзининг иқтисодий фаолияти ҳисобига эмас, балки давлат ёрдами ҳисобига яшашга интилишга йўл қўймаслик;

болалар тарбияси учун оила масъулиятини кучайтириш, уларга жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий ривожланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш; давлат томонидан қўллаб-қувватлашсиз даромадларини жиддий оширишнинг аниқ имконияти мавжуд бўлмаган, кам даромадли оилаларга нафақалар бериш.

7. Куйидагиларга нафақа тайинланмайдиган бўлиши:

болалари тўлиқ давлат таъминотида бўлган оилаларга. Агар оиладаги болаларнинг ҳаммаси ҳам тўлиқ давлат таъминотида бўлмаса, у ҳолда нафақа давлат таъминотида бўлмаган болаларни ҳисобга олган ҳолда тўланади;

ота-онаси қонунчиликда белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган оилаларга;

моддий бойлиги (даромади) болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан мақбул ривожланишини таъминлаш имконини берадиган оилаларга.

8. Куйидагилар нафақаларни тўлашни маб-лаб билан таъминлаш манбалари ҳисобланади:

республика бюджетли маблағлари; маҳаллий бюджетлар маблағлари; бюджетдан ташқари манбалар.

Нафақалар тўлаш учун мўлжалланган маблағлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг Халқ банкнинг маҳаллий бў-

лимларидаги «Болалар нафақалари» махсус счёт-ларига ўтказилади.

Ушбу счётлардаги пул маблағларидан фақат нафақалар тўлаш мақсадида; ушбу Низомнинг 24-бандида кўрсатилган ҳолларда эса болали оилаларга натура билан ёрдам бериш сифатида фойдаланиш мумкин.

Маблағларни бошқа мақсалларга сарфлашга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи-ларига йўналтириладиган ва нафақалар тўлаш-да фойдаланилмаган қолдири олиб қўйилмайди ва улар келгуси даврда нафақалар тўлашга йў-налтирилади.

9. Олинган нафақалардан солиқ ундирил-майди.

10. Ушбу нафақаларнинг тўланиши, оилага бошқа нафақалар тайинлашни, шу жумладан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишни рад этиш учун асос бўлиб ҳисоблан-майди.

ФУҚАРОЛАРНИНГ НАФАҚА ТАЙИНЛАШ УЧУН МУРОЖААТИ

11. Нафақа доимий яшаш жойидаги фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органига нафақа тайинлаш тўғрисида ёзма ариза билан муро-жаат қилишган оилаларга, алоҳида ҳолларда эса ушбу органининг раиси (оқсоқоли) тақдимно-масига биноан тайинланади.

12. Нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза бо-лаларнинг ота-онасидан бири томонидан ои-ланинг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини

лаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқа-риш органи ҳузурида махсус комиссия тузи-лади, унинг таркиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) то-монидан тасдиқланади.

Комиссия таркибига фуқароларнинг ўзи-ни ўзи бошқариш органининг раиси (оқсо-қоли), ўзини ўзи бошқариш органининг мас-лаҳатчилари ва котиби, туман (шаҳар) ҳо-кимлиги томонидан вакил қилинган, нафа-қалар тайинлаш ва уларни тўлаш қисми фу-қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига амалий ёрдам кўрсатувчи меҳнат, иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш ту-ман (шаҳар) бўлимининг ходими (кейинги ўринларда — меҳнат биржаси ходими деб аталади), шунингдек, туман (шаҳар) солиқ ва молия органларининг вакиллари кирлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор-ганларида, агар уларнинг ҳудудларида нис-батан кўп оила яшаса, бир неча комиссия тузилиши мумкин. Бундай ҳолларда раис (оқ-соқол)нинг ва меҳнат биржаси ходимининг ҳар бир комиссия ишида қатнашиши маж-бурийдир.

16. Комиссия нафақа олиш учун муро-жаат қилган оиланинг моддий ва мулкый аҳолини ариза берилган санадан бошлаб ик-ки ҳафта муддатда текширади ҳамда ариза-ни ва тақдим этилган ҳужжатларни ҳар то-монлама кўриб чиқиш асосида нафақа тайинлаш тўғрисида ёки нафақа тайинлаш-ни рад этиш ҳақида фуқаролар йиғини (фу-

ролар йиғини томонидан нафақа тайинлани-ши мумкин. Бундай ҳолларда нафақа натура шаклида берилиши мумкин. Бунда комиссия аъзоларидан ҳисоб берувчи шахс тайинлана-ди. У патронаж тартибда, айтиб ўтилган ои-лаларнинг болаларига зарур бўлган товарлар (хизматлар) сотиб олишни ва беришни амалга оширилади.

Нафақани натура шаклида бериш савдо таш-килоти ҳисобига пул маблағлари ўтказиш йў-ли билан амалга оширилади. Бундай тарзда сотиб олинган товарлар (хизматлар) фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ва ҳисоб берувчи шахс томонидан тасдиқлан-ган далолатнома бўйича олувчида берилади.

25. Нафақа тайинланган давр давомида ои-лада бир ёки бир неча бола 16 ёшга етса, унда оилага тайинланган нафақа миқдори мазкур Низомнинг 4-моддасига мувофиқлаштирила-ди. 16 ёшгача бўлган болалар сони ўзгариши муносабати билан фуқаролар йиғинининг қа-рори бўлиши шарт эмас.

Янги миқдордаги нафақа бола (болалар) 16 ёшга тўлган ойнинг кейинги ойдан бошлаб тўланади.

НАФАҚАНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ

26. Нафақа фуқаролар йиғини қарорининг протоколи асосида тўланади.

27. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор-ганининг котиби ҳар ойнинг 1 (биринчи) ку-нига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор-гани қарорининг протоколлари асосида на-

**Вазирлар Маҳкамасининг
1996 йил 10 декабрдаги
437-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида

НИЗОМ

Ўзи бошқариш тегишли органига ушбу орган-нинг раиси номига берилади.

Аризада нафақа олиш учун мурожаат қилиш-га ундаган сабаблар, шунингдек, оиланинг умум-ий даромадини ҳисоблаш учун фуқароларни-нг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан бел-гиланган даврда оила аъзолари олган даромад-нинг миқдори кўрсатилади.

13. Нафақа олиш учун мурожаат қилган ша-хс, аризадан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига куйидаги ҳужжатларни топ-ширади:

а) оила аъзоларининг таркиби тўғрисида яшаш жойидан маълумотнома;

б) болаларнинг тутилганлик тўғрисидаги гу-воҳномалари нусхаси;

в) васийлик (ҳомийлик)да бўлган болаларга нафақа тайинлаш чоғида васийлик (ҳомийлик) ҳуқуқини белгилувчи органининг қароридан кў-чирма;

г) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор-гани талабига кўра — оила аъзоларининг даро-мадлари ҳақида маълумотнома.

Нафақа тайинлаш учун зарур бўлган ҳуж-жатларнинг асл нусхалари ёки белгиланган тар-тибда тасдиқланган кўчирма нусхалари тақдим этилиши мумкин.

14. Нафақа тайинлаш тўғрисидаги аризалар-ни рўйхатдан ўтказиш махсус рўйхатга олиш дафтариди фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли)нинг котиби томони-дан амалга оширилади, дафтарда ариза тушган сана, илтимосноманинг қисқача мазмун ва фу-қаролар йиғини қарори қабул қилингандан сў-нг, қарор санаси ва рақами кўрсатилган ҳолда қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумот ёзиб қўйилади.

НАФАҚА ТАЙИНЛАШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАЛАРНИ КўРИБ ЧИҚИШ ВА УНИ ТАЙИНЛАШ Тўғрисида ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

15. Оиланинг нафақага муҳтожлигини аниқ-

қаролар вакиллари мажлиси)га икки ҳафта муддатда таклиф қиритади.

17. Оиланинг моддий ва мулкый аҳоли-ни текшириш натижалари юзасидан текши-риш далолатномаси тузилади (1-илова), ун-да куйидагилар мажбурий тартибда кўрсати-лиши керак:

текширилаётган оиланинг таркиби;

текширилаётган оила умумий даромади-нинг миқдори;

оила аъзолари даромадлари шаклланиши-нинг асосий манбалари;

катта ёшдаги (меҳнатга лаёқатли) оила аъзоларининг иш билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнома.

18. Оиланинг нафақага муҳтожлигини аниқлаш учун мазкур оиланинг ҳар бир аъзо-сига тўғри келадиган оила умумий дарома-дининг миқдори асос сифатида қабул қили-нади.

Ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган оиланинг умумий даромадини аниқлаш учун барча турдаги даромадлар қўшиб қилилади ва ҳосил бўлган сумма оила аъзолари сонига тақсимланади (лар-мадлар деганда: солиқ со-линадиган даромадлар, пенсиялар, стипен-диялар ва ижтимоий ҳусусиятга эга бўлган бошқа тўловлар, шунингдек, шахсий ёрдам-чи хўжаликдан олинадиган даромадлар ҳи-собга олинади). Икки ва ундан ортиқ ой учун оила аъзоларининг даромадлари ҳисобга олиниши керак бўлган ҳолларда — ҳисобга олиниши керак бўлган давр учун оила аъзо-ларининг умумий даромади оила аъзолари-нинг сонига ва мазкур даврдаги оилар сон-ига тақсимланади.

19. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мезонлари ва нафақа тайинлаш учун асосларни ўзини ўзи бошқариш органи счё-тларидаги маблағлар миқдоридан ва нафақа-нинг белгиланган миқдорларидан келиб чиқ-қан ҳолда мустақил равишда белгилайди.

20. Ариза берган оиланинг моддий ва му-лкый аҳолини текшириш натижалари ҳамда комиссиянинг ҳулосаси бўйича нафақа олишга муҳтож бўлган оилаларнинг рўйхати тузилади ва шаҳарча, қишлоқ, овул ёки ма-ҳаллалар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

21. Нафақа тайинлаш ёки уни тайинлаш-ни рад этиш тўғрисидаги қарор очик овоз бериш йўли билан шаҳарча, қишлоқ, овул ёки маҳаллалар фуқаролар йиғини томони-дан қабул қилинади.

Агар қарорга шаҳарча, қишлоқ, овул ёки маҳаллалар фуқаролар йиғини (вакиллар мажлиси) аъзоларининг олдин кўчилиги овоз берсалар, у қабул қилинган ҳисоблана-ди.

Шаҳарча, қишлоқ, овул ёки маҳаллалар фуқаролар йиғини (вакиллар мажлиси)нинг қарори протокол билан расмийлаштирила-ди.

22. Нафақа тайинлаш тўғрисида қарор қа-бул қилиш чоғида аризачининг фуқаролар йиғинида иштирок этиши мажбурийдир. Аризачи узрли сабаб (касалик ёки бошқа узрли сабаблар) билан қатнашмаган ҳоллар-да фуқаролар йиғинига оиланинг балоғат ёшига етган бошқа аъзоси қатнашиши ша-рт. Аризачи ёки оиланинг бошқа вакили қат-нашмаган ҳолларда мазкур оилага нафақа тайинлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқил-майди ва у фуқароларнинг кейинги йиғини-да кўриб чиқиш учун қолдирилади.

23. Нафақа тайинлаш рад этилган ҳо-ларда рад этиш сабаби кўрсатилган ҳолда тегишли қарор қабул қилингандан сўнг 5 кун муддатда аризачи бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинади.

24. Меҳнат фаолиятидан бўйин тошлаб юр-ган ва жамиятга ҳилоф равишда турмуш ке-чираётган ота-оналарнинг болаларига ота-оналарининг ёзма аризаларисиз фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқ-соқоли)нинг тақдимномасига биноан фуқа-

тиш мақсадида, туман (шаҳар) ҳокимлиги то-монидан махсус вакил қилинган шахс — меҳ-нат биржаси ходими тайинланади.

Меҳнат биржаси ходими тегишли фуқаролар йиғинлари ҳудудларига доимий бириктириб қўйилади ва у доимий ишлаш учун фуқаролар йиғини бошқаруви биносига жойлаштирилади.

31. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор-гани ҳудудига бириктириб қўйилган биржа хо-димининг лавозим вазибаларига қуйидагилар қиради:

оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид ишларни ташкил этишда ўзини ўзи бошқариш органига қўмаклашиш, шунингдек, нафақалар тайинлаш ва тўлашнинг белгиланган тартиб-нинг оғишмай бажарилишини таъминлаш;

мазкур ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида яшовчилар орасидан нафақага муҳтож бўлган оилаларни аниқлаш;

нафақа тўлаш учун мўлжалланган пул маб-лағларининг белгиланган мақсадда фойдалани-лишини назорат қилиш;

тўлов ҳужжатларини расмийлаштиришда ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳи-соботларни тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатиш; комиссия таркибда оилаларнинг даромад-лари ва мулкый аҳолини кўриб чиқиш, шунинг-дек, нафақа олувчининг аризасида баён қи-линган маълумотларнинг тўғрилигини текши-риш.

32. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор-гани ҳудудига бириктириб қўйилган меҳнат бир-жаси ходими қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

фуқаролар йиғинида иштирок этиш ва фуқа-ролар йиғинига болали оилаларга нафақа тайин-лаш ёки тайинлашни рад этиш ҳақида таклиф-лар киритиш;

фуқаролар йиғини қарорлари амалдаги меъё-рий ҳужжатларга мувофиқ келмаган ҳолларда уларнинг устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

оила аъзолари даромадларининг тўғри кўрса-тилганлигига шубҳа пайдо бўлган ҳолларда фу-қароларнинг даромадларини қўшимча текши-риш учун солиқ органларига мурожаат қилиш;

маблағлардан амалда қандай фойдаланилаёт-ганлигига қараб фуқароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органини счётларига ўтказиладиган маб-лағлар суммасини ўзгартириш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокимлигига таклифлар киритиш.

33. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор-гани ҳудудига бириктириб қўйилган биржа хо-дими нафақа тайинлаш ва тўлашнинг ҳамда аж-ратилган маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланишнинг, белгиланган тартибига риоя қилиниши учун шахсан жавоб беради.

НАФАҚА ТўЛАШ УЧУН АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ, ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИНИНГ ҲИСБОТ БЕРИШ

34. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор-ганлари ўзларининг ҳисоб-китоб счётларига ке-либ тушган маблағларнинг, мазкур Низомда на-зарда тутилган нафақа тўлаш ва бошқа тўлов-лар учун харажатларнинг мустақил ҳисобини юриятлади.

35. Ажратилган маблағлар ва уларни сарф-лаш ҳисобини фуқароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органи котиби ёки ушбу ҳисобни олиб бориш учун фуқаролар йиғини тайинлаган ша-хс юриятди.

36. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор-гани нафақа тўлаш учун ажратилган пул маб-лағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот-ни 2-иловага мувофиқ ҳар ойда тузади.

Ҳисоботга маблағлардан, нафақа тўлашдан ташқари, бошқа мақсадлар учун фойдаланил-ганлиги кўрсатилган маълумотнома илова қи-линади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ва меҳнат биржаси ходими томонидан тасдиқланган нафақалар тўлаш учун ажратил-ган маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳи-собот ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-ку-нигача бўлган муддатда туман ҳокимлигининг молия бўлимига ҳамда меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қи-лиш бўлимига жўнатилади.

16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги Низомга 1-илова

Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ходими

Оиланинг моддий ва мулкый аҳолини текшириш ДАЛОЛАТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарори билан тасдиқланган 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги Низомга мувофиқ

(Комиссия аъзоларининг Ф.И.О.)

дан иборат таркибдаги ашовчи

Фуқаро _____нинг моддий ва мулкый аҳолини текшириб чиқди.

16 ёшгача бўлган болалари _____ киши;

16 ёшгача бўлган ногирон болалари _____ киши;

оиланинг ишга лаёқатли, балоғат ёшдаги аъзолари _____ киши;

улардан:

иш билан таъминланганлари _____ киши;

доимий иш билан таъминланмаганлари _____ киши;

ишсиз сифатида рўйхатга олинганлари _____ киши;

бола 3 ёшга тулгангача парвартиш қилиш бўйича таъминлагчи она _____ (ха, йуқ)

199 _____ йил _____ ойларида оиланинг даромади _____ (текширишдан олдинги оилар)

сўмини ташкил этди, шу жумладан:

иш ҳақи _____ сўм;

пенсиялар _____ сўм;

_____ сотих, та майдондаги шахсий ёрдамчи хўжаликдан _____ сўм;

бошқа даромадлар (манбалари кўрсатилсин) _____ сўм.

Комиссия тавсияси: Фуқаро _____ оиланинг моддий ва мулкый аҳолини ҳисобга олиб унинг оиласига нафақа _____

(тайинлансин/рад этилсин)

Комиссия аъзоларининг имзоси:

16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги Низомга 2-илова

Пул маблағларининг 199 _____ йил _____ ойида 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тўлашга фойдаланилиши тўғрисида

ҲИСБОТ

Туман (шаҳар) _____ (туман, шаҳар номи)

Т/Р	Ҳисобот ойда	Йил бошидан буён
1. Счётта ажратилган (тушган) пул маблағлари, сўм		
1.1. шу жумладан бюджетдан		
2. Оилаларга жами тушган, сўм		
шу жумладан:		
2.1. нафақалар, сўм		
2.2. товарлар ва хизматлар учун ўтказилган*, сўм		
3. Ой охирида счётдаги пул маблағлари қолдиғи, сўм		
4. Нафақа олаётган оилалар сони, жами		
шу жумладан:		
4.1. бир болали оила		
4.2. икки болали оила		
4.3. уч болали оила		
4.4. тўрт ва ундан ортиқ болали оила		
4.5. бир болали тўлиқ бўлмаган оила ёки ногирон болали оила		
5. Нафақа олиш учун ариза билан мурожаат қилган оилалар сони		
улардан:		
5.1. нафақа тайинланган оилалар		
5.1.1. шу жумладан йил давомида		
иккунча марта нафақа тайинланган оилалар сони		
5.2. нафақа тайинлаш рад этилган оилалар сони		
199 _____ йил _____		
М.У. _____	Ўзини ўзи бошқариш органи	
_____ раиси		

* нафақадан бошқа тўловларга фойдаланилган маблағларга тўлов турлари бўйича алоҳида маълумотнома тақдим этилади.

Соғлиғинг — бойлиғинг

ХАРАКАТ — ҲАЁТ ДЕМАК



Бугунги кунда ҳамшаҳарларимиз орасида «АНИК» хусусий ишлаб-чиқариш тиббиёт фирмаси ҳақида эшитмаган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Аҳоли саломатлигини муҳофаза этишда ибратли ишларни амалга ошираётган бу корхона яқинда ўз фаолиятини янада кенгайтирди. Бу ерда соғлиқни қайта тиклаш маркази ташкил этилди.

Бўёқ ҳидлари ҳанузгача кетмаган махсус хоналарда спорт анжонлари, тренажёрлар тартиб билан жой олган. Тез кунларда бу ерда саломатлиқни қайта тиклашга мўлжалланган изчил ишлар бошлаб юборилди. Марказ мутахассислари асосан одамнинг таянч-ҳаракат аъзоларидаги шикастланишлар, остеохондроз, сколиоз каби хасталиклардаги асаб тизими ишининг бузилишини комплекс даволаш билан шугулланишади. Шунингдек марказга келувчилар бир вақтинч ўзида тор мутахассисликлар бўлими кардиоревматолог, ауркуледиастика, кўз шифокори, жарроҳ, травматолог, педиатр, гематолог, гомеопат, акушер-гинекологдан маслаҳат олишлари мумкин. Бу ерда юқори малакали тиббиёт ходимлари меҳнат қилишади.

Марказнинг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани ишнинг самардорлигини ошираётган омиллардан биридир. Хусусан «Аврора» асбоби

Рязань коинот техникаси институти томонидан тайёрланган бўлиб, асосан қанд касалликларини даволашда қўлланилади. Унинг ажойиблиги шундаки, беморнинг аҳволига қараб «хизмат кўрсатиш турини» ўзгартириши мумкин. Лазер терапияси хонасидаги ускунани эса бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин бўлиб, у фирма буюртмасига кўра тайёрланган. Корхона яқинда геоло-неон нурлари билан таъсир қилувчи яна иккита ана шундай ускуна сотиб олди. Дарё лазер терапияси тиббиётнинг деярли барча соҳаларида кенг қўлланиладиган усуллар.

«АНИК» фирмаси фаолиятида жисмоний



Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.
СУРАТЛАРДА: фирма раҳбари Алексей Назаров бемора маслаҳатлар бермоқда; даволаш-физкультура хонасида машқ ўтказилмоқда.

Рустам Шарипов олган суратлар.

машқлар билан даволаш усули етакчи ўринни эгаллайди. Шунга кўра тренажёрлар билан жиҳозланган махсус хонада болалардаги церебрал фалажлик, қўқшол, тутилиш пайтида олинган шикастланиш асоратларини тугатиш машғулотлари олиб борилади. Тизза ва тоvon бўғимлари ҳаракатларини ривожлантиришга хизмат қилувчи мослама, вертикализатор кабилар бу ерда даволанаётган болаларнинг ота-оналари буюртмалари асосида ишлаб чиқаришган. Қўриб турганимиздек, бу ерда ёш авлод саломатлиги йўлида қилинаётган ғамхўрлик бевосита ота-оналар билан ҳамкорликда олиб борилаётган. Шу йилнинг ўзида «АНИК» мутахассислари сколиоз, вертебрал синдром хасталикларини даволаш ва лазерли форец усулидан фойдаланишда патент олдилар. Худди шундай ҳужжат таянч-ҳаракат аъзоларининг айрим хасталикларига таъхис қўйиш усули учун ҳам берилди.

Фирма раҳбари Алексей Назаровнинг келажакдаги орузларидан бири пульмонология бўлимини очилиши. Бу борада айрим қадмлар қўйилди, жумладан, марказда сауна, сув ҳавзаси, циркуляр сув пулқатиг хоналари жиҳозланди. Сув муолажалари ёрдамида церебрал фалажлик билан оғриётган болалар қўришга ўргатилади. Шунингдек Алексей Назаровнинг режаларида микрожарроҳлик бўлимини ташкил этиш, таянч-ҳаракат аъзоларининг таъхис, давоси, қайта тиклаш ишларини йўлга қўйиш ҳам бор. Албатта бундай тадбирлар катта мабала ва куч талаб этади. Бу борада «АНИК» жамоаси фақат ўз имконият ва қудратига таянмоқчи. Бу борада Назаровнинг ҳам раҳбар, ҳам шифокор сифатидаги ишлари ягона: «Ҳаракат — бу ҳаёт».

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.
СУРАТЛАРДА: фирма раҳбари Алексей Назаров бемора маслаҳатлар бермоқда; даволаш-физкультура хонасида машқ ўтказилмоқда.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Хоҳ ишонинг, хоҳ...

РАМЗЕС II ДАВОЛАНДИ

Рамзес II нинг мўмийланган жасади Парижда «даволанар» экан, олиб боришдан текширишлар унинг сочи малла, юзи сепкилли бўлганини, умуртқа поғонаси шамоллаганини кўрсатди.

Мисрнинг буюк шоҳи фиръавн Рамзес II нинг мўмийланган жасади 1976 йил 26 сентябрда «даволаниш» учун Парижга жўнатилиб, 1977 йил май ойида у ердан қайтариб олиб келиниб, Миср миллий музейига қўйилгандан бери жаҳон жамоатчилигининг эътиборидан тушмаяпти. Бунинг боиси унинг мўмийланган жасади номаъlum сабабларга кўра айний бошлагани учунгина эмас, балки Рамзес II қатор зафарли юришлари ва ғалабалари билан афсонавий қаҳрамонга айланиб қолгани, қолаверса у ўз вақтининг гўзалларидан гўзали бўлмиш Нифертариёга уйланиши боис, у ҳақидаги ҳар бир нарсаси ўқувчилар томонидан зўр қизиқиш билан мўтоала қилинади. Булар жумласига бу афсонавий қаҳрамон ҳақида ёзилган «Газавот императори», «Миср маданияти» ва ниҳоят Крестиян Жакнинг «Рамзес ва Абу сумбул хоним» асарларини тилга олиш мумкин.

Рамзес II нинг мўмийланган жасади бузила бошлаганидан хабар топган Миср ҳукумати уни Францияда «лаволашга» қарор қилди. 7 ой давомида мўмий соҳасида изланишлар олиб бораётган юзлаб олимлар унинг атрофида парвона бўлишиб, айниш сабабларини ахтардилар ва ниҳоят жуссада мўмийни айнитаётган аллақандай микроб-паразитларга дуч келдилар. Уларга қарши олимлар «Гамма-Бу» нуридан фойдаландилар. Шу аснода олимлар олиб борган тадқиқотлар Рамзес II малла сочи, сепкил юзи биланни кўрсатди. Мўмийда Рамзес II умрининг охиридаги умуртқа сутганин шамоллагани, сўнггра шол бўлиб қолганини кўрсатувчи белги-излар ҳам топилди.

Рамзес II Мисрга 67 йил ҳукмронлик қилган ва 92 ёшида оламдан ўтган эди. Жасадини қайта мўмийлаш кенгаши ўз ичининг мия қатгини икки бурун тешиги орқали сўриб олишдан бошлади. Кейин мия қаноти қорамурчи доналари билан тўлдирилди. Чап биқин очилиб, у ердан ички аъзо ва ичкалар чиқариб олинди. Улар тозаланиб, атирланганидан кейин махсус чинни-сопол идишларга жойланди. Юрак ва икки буйрак эса ўз жойида тилла занжирга осиб қўйилди. Ана шундан кейин жуссани янада покизалаш мақсадида уни карбонат натрий, ёввойи тамаки барглари, чиннигул-ромашка солинган ваннага солиб ишлов берилди. Жасад ички мойлардан холи қилиб, қуритилганидан кейин бир қатор махсус мойлар билан ишланди. Сўнггра у зигир толасидан тўқилган юпка бинт билан ўралди. Шу тариқа қайта мўмийлаш жараёни 70 кун ичида ниҳоясига етгач, ёнига қимматбаҳо зарғарлар буюмлари қўйилган ҳолда соф олтун тобут ичига жойланди.

Ножуя иш — келтирар ташвиш

ОГУ БИЛАН
КЎПГА ОПИНДИ

Маълумки, Ўзбекистонда ҳам гиёвандликка қарши кескин ўт очилган. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари яқинда икки килограммдан ортиқ қучли гиёвандлик моддаси бўлган героинни сотмоқчи бўлган кишиларни қўлга туширишди. Ҳеч қарда фойдали меҳнат билан шугулланмайдиган республикамиз фуқароси С. Мансур ва Афғонистон фуқароси Абдул Жамшид (исми-шарифларини ҳали тергов давом этганини учун ўзгартириб бермоқдамиз), пойтахтда ана шу моддани олиб келишди. Уларнинг мақсади аниқ бўлиб, героинни пуллаш эди. Аммо улдасидан чиқолмадилар. Ички ишлар ходимлари ўтказган тезкор тадбирлар натижасида иккови ашёвий далил билан қўлга олинди.

ҚОЧМОҚЧИ ЭДИ

Шахримизда гиёванд моддалари олиб келиш, тарқатиш ва сотишга қарши олиб борилаётган тезкор тадбирлар давом этмоқда. Чилонзор тумани ИИБ ходимлари Тошкент «Очқопар» бозорига махсус тадбир ўтказишганида ажойиб бир топилмани қўлга киритишди. Милиция ходимларининг қўриқовида қолган анджелионик И. Мама-содиқ қўлидаги халтасини қолдириб қочмоқчи бўлди. Милиция ходимлари халтани очиб кўришганида бекорага қўриқовида қолган анджелионик И. Мама-содиқ қўлидаги халтасини қолдириб қочмоқчи бўлди. Милиция ходимлари халтани очиб кўришганида бекорага қўриқовида қолган анджелионик И. Мама-содиқ қўлидаги халтасини қолдириб қочмоқчи бўлди. Милиция ходимлари халтани очиб кўришганида бекорага қўриқовида қолган анджелионик И. Мама-содиқ қўлидаги халтасини қолдириб қочмоқчи бўлди.

ЁМОННИНГ БИР
ҚИПИГИ

Юнусов ботумани ИИБ га келтирилган Б. Юрий билан А. Сатторов кўни билан қў-

ча санғиб чарчаш нималигини билмайдиган йигитлар. Бекорчи бўлгандан кейин одамнинг калласига нималар келмайдилейсиз. Икковлоннинг миясига ярқ этиб ўғирлик қилиш фикри келиб қолди. Нимагадир уларнинг миясига унинг оқибати вой бўлишига келмаган экан. Дарров режа тузиб чиқишди. Қўчаларда нима қўп — йўл ҳаракат қондасини бошқариб турувчи чироклар қўп. Унинг ичидаги электр жиҳозлари эса бозорда анчагина пул. Улар бир, икки, кейин уч, тўрт ва ҳоказо шундай мосламаларни бир ёқлик қилишди. Бироқ ишлари қўлга бормай касалта учради. Уларнинг изига тушган жиноят-қидирув бўлими ходимлари жиноятчиларни ашёвий далиллар билан қўлга олишди. Ҳозир эдингизна 19 ва 20 ёшга тўлган икковлон қилмишларидан афсус чекиб ўтиришди. Аммо кеч қолди.

ЖИНОЯТ УСТИДА

Собир Раҳимов тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари жиноят устида ҳеч қарда тайинли иш билан шугулланмайдиган сурхондорлик О. Олдини қўлга олишди. Олд Талабалар шаҳарчасида атрофда ҳеч қанча йўқитилган фойдаланиб Бухоро вилояти, Шифоникон туманидан ўз укасини қўришга келган Н. Шердорнинг олдига чиқиб жисмоний куч ишлатиш йўли билан уни қўриқтиди. Талончи жабрланувчи бўлиб ўтган воқеани ички ишлар ходимларига маълум қилганидан кейин талончининг қўлга олиш чора-тадбирлари белгиланди. Тез орада тезкор тадбир натижасида талончи Олд қўлга олинди. У харом пуллар эвазига кайф-сафо қилиб юрганди. Пулнинг маълум қисми эгасига қайтарилди. Талончи эса жинояти учун терговда жавоб бермоқда.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ нинг
матбуот сурхуи ходими.

Улкамиз неъматлари

ШОЛҒОМ

Она табиатнинг донолигини қарангки, ноз-неъматларни барча фасларга қолдирган. Шулардан бири шолғомдир.

Шолғом истеъмол қилиш нафас йўлларидаги хасталикларни даволайди, қўриш қувватини оширади. У овқат ҳам қилиш йўллари тозалайди, эски овқат қолдиқларини суриб чиқаради, катта таҳоратни майинлаштиради ва кунда 2-3 мартага қўпайтиради. Бу билан меъда мустаҳкамланади.

Шолғомнинг яна бир ажойиб хислати бор. У бурун бўшлиғидаги ҳамма шиллиқларни қиқариб ташлайди. Шунингдек, қонни тозалайди, кайфиятни кўтарди. Бироқ шолғом қай тарзда, қанчадан ва нималар билан истеъмол қилинишининг халқ табибларида яхши ишлаб чиқилган тизими бор. Ҳар қандай шолғомни икки марта ярим қалқондан (200 грамм) қирғич-

дан ўтказиб, хом ҳолда истеъмол қилинади. Сўнг кам деганда бир соат бошқа нарсасмаслик, ичмаслик лозим. Бундай даволаниш жараёнида ҳар кунга икки марта 2 пиёладан қаттиқ ичиш керак. Қовурилган, ёғли овқатлар, қазни, кабоб ва сут вақтинча истеъмол қилинмайди. Шунингдек қандолат маҳсулотлари ҳам вақтинча тўхтатилади. Ҳамма суюқ, куюқ, қайнатма, бугда пишган, димлама овқатлар ёйиш мумкин, гўшт эса иложи бўлса қийма ҳолида истеъмол қилиниши яхши. Асал, мева-сабзавотлар, сузма, пишлоқ истеъмол қилишга руҳсат берилди. Суви қочган ёки қаттиқ нон фойдаланроқ. Уни ивтиб истеъмол қилса ҳам бўлади.

Абдулазиз
САИДУРУДДИН ўғли.

ТАБАССУМ

Ёш врач қиз бемор қариянинг кўкрак қафасига қўлоқ тутиб, сўради:
— Нимани ҳис қилияпсиз?
— Ёшлик йилларимни эслайман.

— Каерингиз оғрияпти, — деб сўради доктор бемордан.
— Айтаман. Зўр шифокор бўлсангиз ўзингиз топинг.
— Унда ветеринарга мурожаат қилинг.
У савол бермай бемалол ташхис қўя олади.

Талаба ота-онасига хат йўллади:
— 100 сўм пул жўнатишлар. Келингиз билан суратга тушиб, сизларга юбораман.
Тез орада уйдан жавоб хати олди:
— Болажоним. 50 сўм пул жўнатишимиз. Сенинг қандайланингини яхши биламиз. Бизга келингизнинг суратини юборсанг бўлди.

— Мамарайим, тузилган кунингга нима совға қилишди?
— Ҳар доимгидай футбол тути ва рогатка.
— Бу совғаларни кимдан олдинг?
— Дадамдан.
— Дададан?
— Ҳа-ла. Менинг дадам ойнасоз бўлиб ишлайдилар.

— Ҳой бола, нега йиғлаяпсан?
— Дадамни йўқотиб қўйдим.
— Қаерда яшасан.
— Қатортол кўча, 60-уйда.
— Манзилингиз билар экансан, дадангиз топиб бора олмайсан?
— Менку топиб бора оламан. Лекин дадам топиб бора олармикан?

Судья:
— Сира тушуна олмайтман. Мушт билан қандай қилиб бешта тишини синдириш мумкин.
— Жуда оддий, — деди хотиржамлик билан айланувчи.
— Ишонмасангиз кўрсатишим мумкин.

Учарлар бир қарибнинг велосипедини уриб кетишди. У кимга арз қилишни билмай довдираб турганда бир йигит унинг олдига келиб деди:
— Агар икки бакал пиво олиб берсангиз ўғирларнинг кимлигини айтаман.
Уловдан умилвор бўлган киши икки бакал пиво олиб келди. Йигитдан садо чиқмади. Яна икки бакал пиво олиб келди. Гувоҳ пивони ичиб бўлгандан кейин тоқатсизлик билан сўради:
— Ўғирларнинг кимлигини энди айтасиз?
Йигит унинг қулоғига астагина энгашиб деди:
— Ярамас одамнинг иши бу!

Раҳмон АЛИ тўплаган.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ
АБОНЕНТАЛАРИ ДИККАТИГА!

Алоқа ишхотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан 14 январдан 22 январгача Туркистон, Хонзодабегим, Тарас Шевченко, Мовароуннаҳр ва Провокзальная кўчалардаги манзилда иштиқомат қилувчи 54/55-АТС абонентларига алоқа бўламайди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ТЕЗКОР ЭЪЛОНЛАР ХИЗМАТИ

● Тезлик билан Қиёрай кўрғондаги Маннонов кўчаси, 9-уй, автовокзал рўпарасидаги 4 хонали, 10 сотихга эга боғли, барча қўлайлиқлари бор бўлган катта планли уй сотилади.
Тел: 8-295-62456;
● Лисунов кўчасидаги 1 ёки 2 хонали квартира
Тел: 96-27-56;
● Лисунов кўчасидаги 1—2 хонали квартира ва 3 хонадан иборат 33 сотих ерга эга бўлган уй (Тел: 97-83-55)

СОТИЛАДИ

● Ўзбекистон Республикаси шаҳарлараро жамоат транспортда бекор юриш ҳуқуқини берадиган 1996 йил 15 январда Раҳима Алоберганова номига берилган 507-рақамли гувоҳнома йўқолганини сабабли

БЕКOR ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ
ОКШОМИ

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Маълумотлар:
700000, Тошкент шаҳри,
Мамбулатлар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар: 33-28-95,
33-08-74, 36-57-65,
факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, торшанба
ва жума
кўнлари чиқади.
Нашр қарсаткичи
64690

Нашрини етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўғимла-
рига ёки «Тошкент»
почтасига 33-74-05 телефо-
нига мурожаат қилинишига
мумкин.